2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 95 (1694), 2026 йил 12 май, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# РИЁСИЗ СЎЗЛАР



Усмон АЗИМ,
Ўзбекистон халқ шоири

## Буюк ўзбек йўли

### Муқаддима

**Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўради. Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳиятини кўтаради. Улар ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонади, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам дардига айланади.**




Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканини теран ҳис қиладилар, кайфиятлари кўтарилади. Худога минг шукрки, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар куни рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислоҳотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан бохабар. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб туради.

Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан қўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуриллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтиб қолдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлади. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз!

Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку!

Унинг ортида кимнинг меҳнатию заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди?

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишлаяпти?

Саволларга жавоб битта: бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири, бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга ликилламай олган бўлсам...

**1**

Бу ислоҳотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди?

Одамлар қандай яшаётган эди?

Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай.

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз неча-неча қишлар бўйи исимасди. Бир фарзандим кейинчалик “Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслади.

Нафақага чиқдим. “Ишласанг, нафақангнинг ярми тўланади”, дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй.

Маош ҳемири. Ярим пенсияга қўшиб, ойдан ойга аранг етказамиз.

Тўлов пластик картаси билан боғлиқ машмашаларни-ку, айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг нархини сўрайсан. “Нақд олсангиз, саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз, юз...”.

Деновда — бозорнинг нақ ўртасида “пластик картадаги пулни нақдга алмаштириш пункти” очилди. Ўша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг даҳшати, бу “пункт”ни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритди. Додингни кимга айтишни билмайсан...

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз ўнгида рўй берди. Ҳеч ким миқ этолмади. Қўрқув. Бу қўрқувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш — мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг ёнига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзи сотиб олиб ётибди. Одамларини қўйиб қўйган — аллақандай шанғи хотинлар...

Бозорга борасан. Ҳар қадамда “долларчи”лар шайкаси... Долларнинг нархи расмий курсдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб оласан.

Сурхондарёда ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди.

Бу ишга қарши курашиши зарур бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат туздилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатди. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни суғуриб олдилар, — деб зориллаб эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. — Ҳаммасини баравар суғурсалар ҳам майли эди, ҳар куни биттасини суғурадилар...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тазйиқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан безиб қолди. Ноилож ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қолди.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қила бошлади: “Ана сиз орзу қилган истиқлол...”.

Рости, мен ҳам бебахт яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-хариш йўл билан пул тўплаяпти. Пайти келгач, пулини кўтариб, хорижга жўнаб кетади” деган рост гапни айтган эдим, холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб боргани сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам ғафлатда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

Юқорида ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзилса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларимнинг ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслаяпман.

Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди.

Бироқ Парвардигор билгувчидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди.

Мамлакат Президентлигига Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва… бирдан мўъжизаларга ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Айтиб ўтганим — кўргиликлар битта-битта ечимини топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлай бошлади. Пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди. Банклар янгича ишлаш тизимига ўтди: хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлгани фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, унинг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зараркунандалари шайкасини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентдаги мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта — бир-бири билан зич боғланиб кетган, халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини хасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда улар билан муросаи мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, халқ тақдири бор эди. Бўлажак Ватанни бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқислардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади.

Қотиллик иллати юққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал “тепа”даги, кейин пастдаги қатлам илдизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида ушбу воқеалар кимгадир жуда кичик эпизод бўлиб туюлар, аммо Ватанни халқнинг бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун раҳбаримизга қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда: бу воқеалар ниҳоясига етказилгач, Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, “Сурхондарё халқи, энди озодсан!” деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан, Сурхондарё эркин нафас олди.

Мен фақат яхши билганим — Сурхондарё ҳақида ёзяпман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта маъмурий-ҳудудий бирлик бор. Президентимизнинг улардаги муаммоларни ҳал этишдаги мардонавор саъй-ҳаракатини қаламга олиш учун эса бу мақола кичиклик қилишини сезиб турибман.

Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон ташаббуслари – амалда

# ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ II ФОРУМИ: БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

ASIAN WOMEN'S FORUM 2026 Bukhara

**Осиё қитъаси кейинги 30 йилда иқтисодиёти эндигина ривожланаётган минтақадан жаҳон молиявий, технологик ва демографик тараққиётининг асосий марказларидан бирига айланди. Бу даврда мисли кўрилмаган саноатлаштириш, урбанизация ва турмуш даражаси ўсиши қайд этилди.**



Бугунги кунда дунё иқтисодиётида энг катта улушга эга давлатлар ҳам айнан Осиё минтақасида жойлашган. Хусусан, Хитой “дунё фабрикаси” ўлароқ улкан силжишни амалга оширган бўлса, Жанубий Корея, Япония ва Осиёнинг бошқа қатор давлатлари юқори технологияли давлат мақомини мустаҳкамлади.

Жанубий Корея, Сингапур, Гонгконг ва Тайвань сўнгги ўн йилликларда тез ривожланаётган бозорлардан дунёнинг энг бой ва технологик жиҳатдан ўта тараққий топган иқтисодиётлари элитасига айланди. Хусусан, Сингапур ва Гонгконг жаҳоннинг етакчи молиявий ва логистика марказлари сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлса, Жанубий Корея ва Тайвань электроника ва яримўтказгичлар ишлаб чиқаришда глобал етакчи ҳисобланади. Биргина Тайвань бугун дунёдаги энг замонавий чипларнинг қарийб 90 фоизини ишлаб чиқаради.

Давоми 2-бетда

**Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг барча жабҳасида туб бурилишлар ясашни, чуқур таҳлилга асосланган узоқни кўзловчи қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда. Давлатнинг иқтисодий қудрати, халқаро майдондаги нуфузи ҳамда халқ фаровонлиги, аввало, шу юртда шаклланадиган инсон капиталининг сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқ. Тарихга назар ташласак, ҳар қандай буюк тамаддун ўзининг юксалиш даврида, илк бор илм-фан, таълим ва тафаккур эркинлигига таянганига гувоҳ бўламиз.**

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА ГЛОБАЛ ИНТЕГРАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ

Президентимизнинг жорий йил 10 апрелдаги “Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони айнан шундай тарихий аҳамиятга эга бўлиб, миллий интеллектуал ресурсларимизни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилувчи муҳим дастуриламал ҳужжатдир. Мазкур қарор ўзида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичларига эришишни жадаллаштириш, мамлакатимизни минтақанинг таълим хабига айлантириш ҳамда олийгоҳларнинг академик мустақиллигини кенгайтиришдек қамровдор мақсадларни мужассам этган.

Давоми 5-бетда



# “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ”:

ТАРИХИЙ ШОН-ШАВКАТ, ЖАСОРАТДАН ЯРАЛГАН БУГУНГИ ЎЗГАРИШЛАР ТИМСОЛИ

6




# ОЧИҚ ВА ИШОНЧЛИ СТАТИСТИКА

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУ БОРАДАГИ ЮТУҚЛАРИНИ ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА

4

Аёл раҳбарлар улуши 2016 йилдаги 7 фоиздан 2025 йилга келиб, 35 фоизга ошди. Хотин-қизларнинг олий таълимга қамрови 2025 йили 53,3 фоизга етди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

## Ўзбекистон ташаббуслари – амалда

# ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ II ФОРУМИ: БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

Бошланиши 1-бетда

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Сўнгги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти кенг кўламли ўзгаришларни бошдан кечириб, ёпиқ, қатъий тартибга солинадиган тизимдан минтақанинг энг жадал ривожланаётган иқтисодиётларидан бирига айланди. Иқтисодиёт кўлами амалда икки баравар ошди, ялпи ички маҳсулот ҳажми 2017 йилдаги тахминан 56 миллиард доллардан 2025 йилга келиб, рекорд даражада — 145 миллиард долларга етди. 2025 йилда реал ЯИМ 7,7 фоиз ўсди. Бу сўнгги ўн йилликлардаги энг юқори кўрсаткич бўлди. Инфляция даражаси икки хонали рақамлардан (2018 йилда 17,5 фоиз) 2026 йил бошига келиб, 7,3 фоизгача пасайди.

### Гендер тенглик — ривожланишнинг муҳим драйвери

Албатта, бундай оламшумул муваффақиятнинг ўзига яраша сабаблари, машаққату калитлари бор. Биргина мисол: хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини қайта кўриб чиқиш ва гендер тенгликка инвестиция киритиш. Хусусан, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида сўнгги 30 йилда Сингапур, Жанубий Корея ва Тайвань ҳукуматлари қизларнинг ўғил болалар билан тенг таълим олишига катта маблағ сарфлади. Натижада 2010-йилларга келиб, ушбу мамлакатларда аёлларнинг саводхонлик ва олий маълумот даражаси эркакларникига тенглашди (Жанубий Кореяда эса ёшлар орасида аёллар кўп соҳаларда эркаклардан ўзиб кетиш ҳолатлари кузатилди). Натижада Осиё мамлакатлари миллионлаб юқори малакали мутахассисга эга бўлди. Бу эса иқтисодиёт учун юқори самарали ривожланиш босқичига йўл очди.

Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда гендер тенглик масалаларида сезиларли ютуқларга эришди, декларациялардан ҳақиқий қонунчилик ва таркибий ўзгаришларга ўтди. Юртимиз Жаҳон банкининг 2024 йилги “Аёллар, бизнес ва қонун” ҳисоботида энг яхши 5 та ислоҳотчи мамлакат қаторига кирди.

Бунда тенглик кафолатлари 2019 йилда иккита фундаментал қонун қабул қилиниши билан шакллантирилди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидан.

Ижтимоий соҳада ҳам аёллар учун кафолатлар жорий этилди. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистон Марказий Осиёда оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни жорий этган биринчи давлат бўлди. 2022 йилда эса янги Меҳнат кодексида тенг қийматли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш тамойили мустаҳкамланди ва айрим соҳаларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш бўйича чекловлар бекор қилинди.



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Энг муҳими, Ўзбекистонда сиёсат ва бошқарувда аёлларнинг ўрни мустаҳкамланди. Жумладан, 2024 йилги сайловлар натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги аёллар улуши 38 фоизга етди ва Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича минтақада биринчи ўринни эгаллади.

Аёл раҳбарлар улуши 2016 йилдаги 7 фоиздан 2025 йилга келиб, 35 фоизга ошди. Хотин-қизларнинг олий таълимга қамрови 2025 йили 53,3 фоизга етди. 2022 йилдан бошлаб опа-сингилларимиз учун фоизсиз таълим кредити тизими жорий этилди. Бунинг аҳамияти беқиёс. Чунки хотин-қизларнинг барча даражадаги бошқарувда иштирок этиши жамиятда адолатли қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Қолаверса, аёл раҳбарлар соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимоя масалаларига кўпроқ эътибор қаратади. Бу эса пировардида халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда эса тадбиркор аёллар сони 156 мингдан ошди. Оналикни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя йўналишида ҳам муҳим қадамлар қўйилди: 2022 йилдан бошлаб хусусий секторда ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлашни давлат ўз зиммасига олди. 2026 йилдан бошлаб ижтимоий суғуртанинг янги тизими жорий этилмоқда. Бундан асосий мақсад, бир томондан, хусусий секторда ишловчи ходимларнинг оғир ҳаётий (касаллик, ҳомиладорлик) вазиятларда даромадсиз қолиши ва камбағал бўлишининг олдини олиш бўлса, иккинчи томондан, тадбиркорлар зиммасидан ижтимоий тўловлар юкини камайтиришдир.

### Тадбир аҳамияти ва илк натижалар

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, глобал ва минтақавий мулоқот ва амалий ҳамкорлик изчил ривожлантирилаётганининг ёрқин тасдиғидир. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2025 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида Осиё аёллари форумини мунтазам ўтказиш ва уни доимий платформага айлантиришни таклиф қилганди. Боиси, 2024 йил 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган биринчи форум жуда яхши натижа бериб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали халқаро майдончага айланганди.

Форум якунида минтақада аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Унда опа-сингилларимизнинг таълим олиши, бандлиги ва гендер бюджети каби муҳим йўналишлар акс эттирилганди. Мазкур ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди ва ташкилотнинг олтита расмий тилига таржима қилиниб, Осиё давлатларига, БМТ (Нью-Йорк ва Женева), Парламентлараро иттифоқ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга кенг тарқатилди.

БМТ тизимида бу ҳужжатнинг аҳамияти унинг расмий мақоми, яъни декларация БМТ Бош Ассамблеяси сессияси ҳужжати сифатида рўйхатга олинганида яққол акс этди. Қолаверса, БМТ Бош котиби ўринбосари ва БМТ аёллар тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус ушбу форум ва унинг якуний ҳужжати минтақада аёллар ҳуқуқларини илгари суришда муҳим туртки бўлишини таъкидлаганди. БМТ ушбу форумни Осиё минтақасида хотин-қизлар имкониятларини кенгайтириш бўйича доимий мулоқот платформаси сифатида қўллаб-қувватлашини билдирганди.





Ўтган форумдаги декларацияда белгиланган, минтақада хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган барча вазифалар Ўзбекистон томонидан бажарилди. Энди янги форум ўтказиш вақти келди. Бу сафар унда Осиёнинг энг илғор мамлакатлари ҳам иштирок этади.

Давлатимиз раҳбарининг Осиё аёллари форумини мунтазам ўтказиш ва уни доимий платформага айлантириш ташаббусини амалга ошириш мақсадида БМТнинг қатор агентликлари билан келишилган ҳолда Осиё хотин-қизлари иккинчи форуми ўтказилади.

### Мақсади ва устувор йўналишлари

Осиё хотин-қизлари II форуми жорий йил 14-15 май кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтади. Унинг мавзуси — “Аёлларга инвестиция — барқарор ўсиш асоси: хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик ҳуқуқ ҳамда имкониятларини мустаҳкамлаш”. Бу мавзу инсон капитали, глобал мегатрендлар ва минтақавий ҳамкорлик кун тартибини, жумладан, рақамли трансформация ва хавфсизлик, демографик ва иқлим барқарорлиги ҳамда аҳоли ҳаракатчанлиги каби ўзаро боғлиқ масалаларни бирлаштиради. Бу жуда муҳим. Чунки бу мавзу бугуннинг энг ўткир глобал муаммоларини қамраб олган стратегик йўналишдир.

Форумдан кўзланган асосий мақсад — хотин-қизларнинг — сиёсат, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ва таълим, ижтимоий ҳимоя, барча даражадаги бошқарувда иштирокини, иқлим ва экологияда ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш бўйича глобал ва минтақавий ҳамкорликни кучайтиришдир. Шунингдек, кўламдор тадбир барқарор ўсиш ресурси сифатида “гендер дивиденди”ни очиб бериш, шунингдек, глобал ва минтақавий даражада мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш ва амалий чора тадбирларни мувофиқлаштириш учун самарали платформа ҳозирлашга ҳам қаратилган.

Ушбу мақсадларнинг амалий аҳамияти шундаки, улар аёлларни шунчаки ижтимоий ёрдам олувчи эмас, балки жамиятни ўзгартирувчи фаол кучга айлантиради. Хусусан, “гендер дивиденди” тушунчаси аёлларнинг иқтисодий фаоллиги ошиши ҳисобига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тез суръатда ўсишини ифодалайди. Бу, ўз навбатида, бутун иқтисодиёт янги босқичга чиқади ва инновациялар кўпаяди, деганидир.

Жаҳон ҳамжамияти диққати марказида бўладиган ушбу кўламдор тадбирда БМТнинг Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси, Хавфсизлик Кенгашининг махсус резолюцияси, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қоидаларини ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ халқаро, минтақавий ва миллий тажриба ҳамда инновацион ёндашувларни, натижаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда. Бу ҳам жуда муҳим. Чунки энди халқаро конвенция ва резолюциялар қоғозда қолиб кетмайди. Уларнинг ижроси аниқ рақамлар ва кўрсаткичлар, яъни айнан ҳисобдорлик асосида таҳлил қилинади. Бунда эскирган усуллардан воз кечилиб, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда энг самарали ва инновацион тажрибалар (рақамли технологиялар, янги бошқарув моделлари) оммалаштирилади.

Глобал ва минтақавий ўзгаришлар хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларига қандай таъсир кўрсатаётгани ҳамда қайси сиёсатлар бу ўзгаришларни инсон капитали ва иқтисодий ривожланиш акселераторларига айлантираётгани бўйича умумий тасаввурни шакллантириш ҳам кўзда тутилган. Бутун ҳаёти мобайнида хотин-қизларга инвестициялар (таълим, кўникмалар, соғлиқ, муносиб бандлик, тадбиркорлик ва молиявий имкониятлари) орқали инсон капитали ривожини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма глобал ва минтақавий ёндашувларни илгари суриш ҳам иштирокчилар диққат марказида бўлади.

Илм-фан, таълим, инновациялар, рақамли кўникмалар ва сунъий интеллект соҳаларида хотин-қизлар учун янги имкониятлар яратиш, жумладан, STEAM ва технологик тадбиркорликда аёллар лидерлигини қўллаб-қувватлашга форумда алоҳида эътибор қаратилади. Аҳоли ўсиши, демографик ва ижтимоий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоя тизимлари ва ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, парвариш хизматларини ривожлантириш ва ҳақ тўланмайдиган меҳнат юкини камайтириш орқали хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Иқлим ўзгаришининг олдини олиш, мослашув ва экологик барқарор ривожланишда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш, “яшил” трансформация ва хавф-хатарларни бошқаришда гендерга сезгир ечимлар алмашинуви — форум дастурининг яна бир аҳамиятли мавзуси.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка, жумладан, рақамли зўравонликка қарши курашиш бўйича глобал ва минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, онлайн хавфсизликни таъминлаш ва кибермаконда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида ҳам сўз юритилади. Бунда профилактика, тезкор жавоб чоралари, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш ва рақамли саводхонликни оширишга алоҳида урғу берилади.

Форумда кўриб чиқиладиган яна бир масала — глобал ва минтақавий мулоқот ҳамда халқаро ҳамкорликда хотин-қизлар ролини кучайтириш: барқарор ўсиш ва ижтимоий жипсликка қаратилган ўзаро ҳамкорлик тармоқлари, давлатлараро шериклик ва қўшма ташаббусларни ривожлантиришдир.

Икки кун давом этадиган форумнинг биринчи куни БМТнинг халқаро ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Осиё мамлакатларининг мартабали вакиллари иштирокида юқори даражадаги ялпи мажлис ҳамда 4 та параллел сессия бўлиб ўтади.

Иккинчи куни форум иштирокчиларининг Бухоро вилоятидаги хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-ҳунар марказлари, йирик саноат корхоналари, ҳунарманд оилалар,612 мономарказ, Президент таълим муассасалари ва ижод мактаблари, АТ парк, ижтимоий хизматлар марказлари, намунали маҳаллалар, маданий мерос ва туризм объектлари ҳамда этношаҳарларга сафари уюштирилади. Булар, ўз навбатида, форум иштирокчиларининг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурини янада бойитишга хизмат қилади ҳамда туризм ривожига ҳисса қўшади.

## Юксак жамият

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА МАЙДОНИДА ШАКЛЛАНМОҚДА

**Қонун қанчалик кенг жамоатчилик иштирокида қабул қилинса, ижтимоий ишонч даражаси ва амалий самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Сўнгги йилларда қабул қилинган қарорлар давлат бошқарувида инсон манфаатини устувор қўйган янги ёндашув қарор топаётганини яққол намоён этмоқда. Эътибор реал натижага, инсон фаровонлигига қаратилмоқда. Бу эса қонунларнинг ҳаётийлиги, халқчиллиги ва амалий қийматини сезиларли даражада оширмоқда. Натижада фуқаролар қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этмоқда.**

Бу ёндашув бугун замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект ривожи билан янада мустаҳкамланмоқда. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқиб, очиқлик ва мулоқот кўлами янада кенгаймоқда.

“Тирик ҳуқуқ” концепциясига кўра, ҳуқуқ фақат қонун матнларида эмас, балки жамиятнинг кундалик ҳаётида, одатларида ва ижтимоий муносабатларида намоён бўлади. Шу боис, қонунлар жамият эҳтиёжлари ва қадриятлари билан уйғун ҳолда шаклланиши жуда муҳим. Айнан шу ёндашув янги Ўзбекистон тараққиёт йўлида ўз аксини топмоқда: қонун ижодкорлиги халқ билан ҳамқадам ривожланмоқда, Парламент ушбу жараёнларга тез мослашиб, қонун ижодкорлигини жамоатчилик фикрига таянган ҳолда ташкил этмоқда.

Энг аввало, конституциявий ислоҳотлар жараёнида ўтказилган умумхалқ муҳокамаси жамиятимизда ижтимоий онг ва тафаккурни янгилашга хизмат қилди. Халқимиз фаол иштироки ва кенг қўллаб-қувватлови натижасида янги таҳрирдаги Конституциямиз халқ тафаккури маҳсули сифатида шаклланиб, бугун ҳаётимизнинг ҳақиқий “тирик ҳужжати”га айланди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқароларга қонунчилик таклифларини Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи берилиши фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини сезиларли даражада кенгайтирди. Бу норма халқнинг давлат ҳокимияти манбаи сифатидаги ролини амалда мустаҳкамлаб, конституциявий қоидаларнинг ҳаётдаги таъсирчанлигини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур институт жамоатчилик ташаббусларини давлат сиёсатини шакллантириш жараёнига тизимли равишда жалб этиш имконини яратиб, ижтимоий эҳтиёжлар ва жамоат фикрининг қонунлар мазмунига бевосита таъсир кўрсатишини таъминламоқда.

Ушбу конституциявий янгиликлар парламент фаолиятида ҳам амалий ифодасини топмоқда. Қонун лойиҳалари кенг муҳокамага қўйилиб, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан билдирилган фикрлар изчил равишда инобатга олинмоқда.

Қонун ижодкорлигида очиқлик ва иштирокни таъминлашда рақамли платформалар парламент фаолиятининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бу борада regulation.gov.uz портали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини янада шаффоф ва жамоатчиликка яқин қилди. Қонун лойиҳалари энди кенг муҳокама майдонида шаклланмоқда. Фуқаролар, экспертлар ва нодавлат ташкилотлар томонидан билдирилган фикрлар парламент муҳокамаларида инобатга олинмоқда. Натижада қонунлар мазмуни бойимоқда, уларнинг ҳаётийлиги ва амалий қиймати ортиб бормоқда.

Айниқса, “Mening fikrim” платформаси парламент билан жамоатчилик ўртасидаги мулоқотни янги босқичга олиб чиқди. У орқали фуқаролар ташаббуслари тизимли равишда қонунчилик жараёнига кириб бормоқда. Етарли қўллаб-қувватловга эга таклифлар Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашлар томонидан расман кўриб чиқилиши парламентнинг халқ овозига таянаётганини кўрсатади. Талабалар учун контракт тўловларининг қайта кўриб чиқилиши, йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қарорлар, транспорт соҳасидаги енгилликлар каби мисоллар парламент қарорларида жамоатчилик ташаббуслари акс этаётганининг яққол далилидир.




Қонун ижодкорлигида жамоатчилик иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, миллий давлатчилигимизда муҳим ўрин тутган маҳалла институтини алоҳида таъкидлаш зарур. Кўп асрлик анъана ва қадриятларни ўзида мужассам этган маҳалла халқимизнинг дарду ташвишлари, орзу-умидлари ва ижтимоий кайфиятини ифода этувчи шарқона демократия мактабидир. У фуқаролик жамияти институти сифатида давлат, жамият ва фуқарони боғловчи кўприк, жамоатчилик назоратининг муҳим бўғинидир. Айнан шу маконда аҳолининг эҳтиёжлари аниқланади, ижтимоий фикр шаклланади ва давлат органларига долзарб ахборот етказилади. Бу жараён Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фаолияти учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз округидаги маҳаллалар билан доимий мулоқотда бўлиб, аҳолининг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганади. Маҳалла шу маънода депутат учун жамиятнинг тирик кўзгуси вазифасини бажармоқда. Қайси муаммолар долзарблиги, қайси соҳада қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги айнан маҳаллада аниқланади. Жамоавий муҳокама орқали шаклланган ижтимоий фикр депутатлар томонидан қонун ташаббусларига айлантирилиб, парламент муҳокамаларига олиб кирилади. Шу орқали маҳалладан чиққан жамоатчилик сигналлари давлат сиёсатига, қонунлар мазмунига таъсир кўрсатиб, қонун ижодкорлиги жараёнини ҳаётга янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бугун қонун ижодкорлиги инсон қадрини устувор қўйган, халқ иштирокига таянган ва очиқ мулоқотга асосланган, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Парламент фаолиятида шаффофликнинг кучайиши, рақамли платформалар орқали фуқаролар ташаббусининг қонунчилик жараёнига изчил кириб бориши, маҳалла институти ва депутатлик фаолияти ўртасидаги самарали уйғунлик қонунларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини таъминламоқда. Натижада жамият эҳтиёжлари тўғридан тўғри қонунлар мазмунига сингмоқда, фуқаролар эса давлат бошқарувининг фаол иштирокчиси сифатида шаклланиб, парламентга ишонч ва ислоҳотлар барқарорлиги мустаҳкамланмоқда.

**Валишер ДАВЛАТОВ,
Парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор**



# РИЁСИЗ СЎЗЛАР

Бошланиши 1-бетда

**2**

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки “Яхши бўлди-е!” деб қувонади-ю, кейин худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверади. Назаримда, шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганяпти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар куни биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникиб боряпмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эсимни билганимдан буён кўримсиз, чанг-тўзонга қоришган, соя-салқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспорти синчиклаб текширилар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасангиз, ўтиб кўринг-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — постлар ўрнатилди. Бу ҳолат халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халал берадиган ортиқча машмаша эди. Паспортни унутган бўлсангиз, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли — имконини топиб, “посбон”ларга пора бериш эди... Бошқа иложингиз йўқ. Назаримда, бу постлар худди шундай вазият яратиш учун қўйилган тузоқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳолат йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мураккаб эди. Вилоятга киришда — Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингиз каби бор-йўғингиз тинтилар, юкларингиз эса лентага солиниб, лазерли ускуналар ёрдамида кўздан кечириларди. Бу ҳам етмагандек, жомадону сумкалар ҳам очдирилиб, текшириларди... Тинтув. Хуллас, пора бермасангиз, қутулиб бўпсиз. Термизга ва Сариосиёга кираверишда яна шу ҳолга дуч келинар эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу ғуборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четида манзарали дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунича ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, мана шундай гўзал — бир қарич ҳам узилмаган манзарани оралаб, аэропортгача бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам иморатлар ҳам ярашиқли. Менга ўқитувчилардан бири “Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ таъминланган, бир хонадонда икки-уч оила тиқилиб яшашдан қутулган”, деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди!

Термиз эса ўсяпти. Баланд-баланд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб, тиқилмай кенгайиши учун қўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Шавкат Миромонович бу масалани ҳам ҳал қилиб берди — шаҳарга қўшимча жойлар ажратилди.

Ўқувчида “Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан” деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятлардаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси, беш-олти йил аввал бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтяпмиз. Кўп қаватли уйлар, орасида ораста йўлаклар, дарахтлар, болалар ўйнайдиган майдончалар лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар бир қарич ерини биламан. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бир оз юргач, англадим: бу — Денов. Ҳа, ўзим бошдан-адоқ кезиб-билиб юрганим Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидаги шаҳар — мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим — бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати туфайли бунёд бўлган! Сўнг тасаввур қилдим: мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, борингки, маҳаллалар бор.... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряпти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

**3**

Мен мажлисларда кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман.

Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда 2030 йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, кўламли ва аниқ тайёргарлик кўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилгани айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис аҳли олдида ахборот берди. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи очилиши ҳам очиқлаб борилди. Юзлаб, минглаб...





Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартиб амалга оширилди. Бирор-бир ишни бажариш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорлар ҳозир турганини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойдан тортиб, Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президентимиз бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онгости туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишига, баъзан бадиҳаларига ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик — кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Муҳаммадиев билан ёш курашчилар учун очилган интернат ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президентимиз ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди:

— Сенинг интернатингнинг мактаби йўғ-а?

— Йўқ, — деди полвон.

— Болалар қаерга ўқишга боради?

— Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзи билан залдан керакли одамни излаб топди:

— Пулинг бор-а?

— Ҳа, — деб ўрнидан қўзғалди “керакли одам”.





> **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ БУ ИТТИФОҚЧИЛИКНИНГ, БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ВА МЕҲРУ МУҲАББАТНИНГ БОШ МЕЪМОРИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ ЭКАНИНИ ҲОЗИР БАРЧА КЎРИБ ТУРИБДИ. ХОРИЖЛИКЛАР ҲАМ БУ МИНТАҚАНИ РИВОЖЛАНИШ САРИ БОШЛАБ БОРАДИГАН КУЧ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАМОҚДА.**

— Шу полвоннинг интернатига мактаб қуриб беролосанми?

“Керакли одам” жон деб рози бўлди.

— Биринчи сентябргача тайёр бўлсин! — деди Президентимиз.

Завқланганимдан секингина бўлса-да “Воя”, деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида қарийб ўттиз тўққиз миллион нуфусли халқнинг ташвиши турибди! Мамлакатда эҳ-ҳе қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб, Президентимиз Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирса!..

Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисни сурхондарёликлар учун байрам деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган муҳташам иморат ривожи учун қўйилган ҳар бир ғишт — байрам. Бугун эса қанчадан қанча ғиштлар қўйилди!

Бу мажлисда айтилган ва келгусида амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт хазинаси қанчалар бойиши, одамлар хонадонига қанчалар файзу барака олиб кириши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман. Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуғ хабарни айтмасам бўлмайди.

Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда юқоридаги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиши давом этаётган Дарбанд — Денов трассасига қўшилади. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Ғизиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик, холос. Ичимда “Бир-икки ойда битиб қолар”, деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин “Бойсун баҳори” фестивалида қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан ғизиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб!.. Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига ишончим комил бўлди.

Президентимиз йиғин сўнгида шу тахлит режалар билан барча вилоятга ва Қорақалпоғистонга борилишини таъкидлаб ўтди! Яна мамлакат келажагини барпо этиш йўлида оммавий жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар. Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун куйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажакда юртимизнинг энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариши суръатини 7,7 фоиз этиб, прогноз беряпти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистоннинг ялпи ишлаб чиқариши триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз тегмасин!

Узр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз! Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин ҳозиргина ўқиб қолдим: ўсишимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёд экан!

**4**

Дунёнинг улуғ донишмандлари инсониятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охир-оқибат ягона хулосага келган. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не ғавғоларни бошдан ўтказган Алишер Навоий бир куни мана бундай сатрларни битган:

*Олам аҳли, билингизким,*
*иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,*
*эрур ёрлиғ иш.*

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам майли, шарҳлаб қўяй: “Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг: душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади”.

Шавкат Миромонович, назаримда, ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам “душманлиғ иш эмас” эканини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб кузатган. У бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси хўжалик юритиш бўлгани учун қўшнилар билан муносабатимиз ёмонлиги туфайли ривожланиш имиллаётганини теран ҳис қилган. Энг муҳими, бу ғалвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу боис, Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олгач, бир зум тин олмай, аввало, қўшнилар билан қардошлик-қариндошлик ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуғ — қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач, ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас орзуга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бошоғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани куни кеча ҳикоя қилиб беришди. Сариосиёда яшайдиган бир кекса аёлнинг Регардаги синглиси вафот этганда жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб, чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Сариосиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилгач, қариндошлар бу узоқ айриликдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувиллаб машиналар Сурхондарёга келадиган, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар “Душанбени бир айланиб келайлик”, деб йўлга чиқадиган бўлди. Бир қадам йўл! Эрталаб бориб, кечқурун қайтиб келасиз!

Тожикистонни бошқа ҳудудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга тожик халқининг хуррамлиги нечоғлиқ бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшниларимиз юртига ташриф буюрганда, Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: “Булар, — деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, — сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!”. Мана ҳурмат! Мана қардошлик!

Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир муддат ўтгач, беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан яқинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда ёзлик энгил-бош... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғли киши — оппоқ кўйлак, қора костюм-шим кийган тожик дўстларимиз кутиб олди. Эртаси куни кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказилди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарзда мажлиснинг номини иззат-икром дейдилар! Ўзбекларга иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келди. Мен йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликда ҳайдаса маъқул, милисалар тўхтатса, қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақами Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

— Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинглар! Милисалар тўхтатмайди! Президентимиз “Ўзбеклар менинг меҳмоним — уларга ҳеч ким тегинмасин”, деб юқори минбарда айтган!

Қалай?

Бу гаплар ўзбек халқига ҳурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳурматнинг қайтиши, янада юқори даражага кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонкуярлиги, самимий — дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарида бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталикка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир, бу икки қўшни халқ ўртасидан нималар ўтмаган эди!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош котиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилоти раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди ва нутқ сўзлади. Шавкат Раҳмон ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига шоир номи берилди.

Албатта, бу катта шоир шундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг сабабчиси Шавкат Миромонович эканини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик.

Камина Қозоғистон сафарида бўлганимда дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофот билан тақдирландим. Ҳатто хорижий бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай ғаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?!

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳру муҳаббатнинг бош меъмори Шавкат Миромонович эканини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшниларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар куни ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтишга арзигулик эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, Афғонистон билан етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орзумиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприкдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда “Ўзбекистон — Афғонистон чегара олди савдо ҳудуди” бунёд этилган. Қатор-қатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдо-сотиқ авжида. Ҳудуд тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу ҳудудга яна қўшимча ер ажратиш ҳақида топшириқ берди.

Албатта, бу ён қўшниларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтгани-айтган...

Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямай меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган, ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз — Шавкат Миромонович! Ҳа, ўзимизнинг Президентимиз!

**5**

Мамлакатимиздаги ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси “Мен — ўзбекман!” деганларни қувонтиради.

Масалан, кейинги ойлардагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал биров “Барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади”, деса, камина “Қўйсанг-чи”, деб кулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарёда! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ўртача йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса... Одам ишонмайди. Ҳатто деҳқонларнинг ўзи ҳам чаноқлар бошдан-адоқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапирганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилдими? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. “Порлоқ” навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас!

Бир жумла билан билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Ҳайратланарли яна бир воқеа.

Олмалиқда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бундай фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга ҳатто ўзимизнинг энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирамаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасини ўрганишга чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди ғурурланадиган мўъжиза — Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган кошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган — илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Қуръони, қадимий қўлёзмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович марказнинг қурилиши ҳақида қизиқ тушунтириш берди: “Бу марказнинг қурилишида шошмадик. Саккиз йилда охирига етказдик...”.

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, балки санъат асари қурилаётган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликни англаган!

Хуллас, асрларга татигулик иншоот дунёга келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

— Сен, — деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач, — Тожмаҳални ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

— Бу зўр-ов, — деди ҳамроҳи бинога назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди. — Бу зўр!

Тамом, вассалом! Бу зўр!

Бундай бунёдкорликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгиликлар: Тошкентдан Хоразмга йўл олган “Жалолиддин Мангуберди” тезюрар поезди, Тошкент вилояти марказидан Бекободдан айлантирилиб, Янгиерга борадиган янги 111 километрли янги темир йўл қурилиши, Самарқандга борадиган янги тезкор йўл, Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда, ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

## Сўнгсўз ўрнида

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Ҳайрулла деган журналист укам — тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак, футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

— Мана, Япония футбол жамоаси жаҳон чемпионати финалига йўлланма олди, — деди у. — Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз?

— Энди, — дедим мен атрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, — мамлакатимизнинг Японияга менгзаб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзумизга эришдик. Футболчиларимиз финал йўлланмасини қўлга киритди. Демак... Японияга менгзаб кетяпмизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати кунчиқар юртникидан анча баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!

Чунки Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!




Суҳбат

# ОЧИҚ ВА ИШОНЧЛИ СТАТИСТИКА

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУ БОРАДАГИ ЮТУҚЛАРИНИ ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА



**Жорий йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб БМТ Статистика комиссияси бюросининг 2026-2029 йиллар учун аъзоси этиб сайланди. Ушбу комиссия бюросининг раиси ўринбосари лавозимига ҳам ўзбекистонлик вакил — Миллий статистика қўмитаси раиси Беҳзод Ҳамроев сайланади. Буни Ўзбекистоннинг глобал статистика ҳамжамиятидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг юксак эътирофи сифатида баҳолаш мумкин.**



Яқинда Жаҳон банки гуруҳининг Вашингтон шаҳридаги штаб-квартирасида бўлиб ўтган халқаро конференция эса Ўзбекистоннинг статистика соҳасидаги ислоҳотлари ва натижаларига бағишланди. Унда ўз маърузаси билан иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси раиси, БМТ Статистика комиссияси бюроси раиси ўринбосари Беҳзод Ҳамроев билан мамлакатимиз статистика тизими қандай қилиб қисқа вақтда халқаро миқёсга кўтарилгани ва бугун миллий тажриба хорижда катта қизиқиш уйғотаётгани ҳақида суҳбатлашдик.

— Юртимизда расмий статистика фақат кузатув олиб борувчи ёки мавжуд ҳолатни қайд этувчи механизм эмас, балки қарор қабул қилишни илмий асослайдиган, иқтисодиёт ва жамиятдаги чуқур таркибий ўзгаришларни очиб берадиган, очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтирадиган муҳим тизим сифатида намоён бўлмоқда, — дейди Б.Ҳамроев. — Мазкур ёндашув Ўзбекистон статистикасини оддий модернизация доирасидан тўлиқ трансформация босқичига олиб чиқди.

Янгиланишларнинг асосий афзаллиги шундаки, улар шунчаки мақсад ёки алоҳида ташаббуслар даражасида қолиб кетмади. Аниқ норматив-ҳуқуқий қарорлар, амалий бошқарув механизмлари ва самарали институционал ечимлар билан таъминланди. Статистика агентлигининг Миллий статистика қўмитаси сифатида қайта ташкил этилиши, Статистика кенгашининг тузилиши, Трансформация офиси фаолиятининг йўлга қўйилиши бу жараённинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганини яққол кўрсатади.

Соҳадаги ўзгаришларни изчил ва мантиқий ривожланаётган яхлит жараён сифатида кўриш мумкин. Дастлабки босқичда ҳуқуқий ва ташкилий пойдевор яратилди. Институционал база мустаҳкамланди, янги бошқарув тамойиллари шаклланди. Кейинги босқичда эса ушбу асосларнинг амалий натижалари кўрина бошлади. Биргина мисол: 2025 йилда ҳисоботлар 26,6 фоиз қисқартирилди. Ташкилий тузилмаларнинг янгиланиши, трансформация механизмларининг ишга тушиши, рўйхатга олиш тадбирларининг замонавий форматларда ташкил этилиши ва маълумотларни шакллантириш ҳамда тарқатиш амалиётидаги сезиларли силжишлар бунинг яққол ифодаси.




Энди эса олдимизда янада масъулиятли ва кенг қамровли вазифа турибди. Бу статистика тизимининг барча бўғинини ўзаро узвий боғланган, ягона ва самарали ишлайдиган тизимга айлантиришдан иборат. Маълумотларни йиғиш, текшириш, қайта ишлаш, ўзаро уйғунлаштириш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчиларга етказиш жараёни алоҳида-алоҳида фаолият юритадиган бўлаклар сифатида эмас, балки бир-бирини тўлдириб турадиган, замонавий бошқарув тамойиллари асосида ишлайдиган яхлит тизим кўринишида шаклланиши лозим.

**— Жорий йил аввалида мамлакатимизда ўтказилган кенг кўламли рўйхатга олиш тадбири катта воқеа сифатида ёдимизда қолди. Янги Ўзбекистон миллий статистикасининг замонавий имкониятларини яққол кўрсатиб берган ушбу тадбир халқаро майдонда ҳам катта қизиқиш билан кузатилиб, муваффақиятли ўтказилгани эътироф этилмоқда. Шундай эмасми?**

— Ушбу тадбир юртимизнинг нафақат статистика соҳасидаги, балки рақамлаштиришдаги имкониятларини ҳам намоён эта олди. Ҳатто мазкур йўналишдаги муваффақиятли саъй-ҳаракатни мамлакатимизнинг замонавий маълумотлар давлатига айланиш йўлидаги тарихий қадами сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири мустақил давлатимиз тарихида биринчи маротаба ўтказилди ҳамда миллий статистикада мутлақо янги даврни бошлаб берди.

Бу жараённи соҳани ҳақиқий маънода рақамли технологияларга ўтиш босқичи сифатида баҳолаш мумкин. Гап шундаки, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш Ўзбекистон тарихида тўлиқ рақамлаштирилган, замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этилган ва қамрови бўйича энг йирик тадбирлардан бири бўлди. Жараён мутлақо рақамли тизим асосида амалга оширилиб, инсон омилини камайтирувчи автоматик назорат механизмларидан фойдаланилди.

Айниқса, геоахборот тизими (GIS) технологиялари жараёнда тезкорлик, аниқлик ва самарадорликни таъминлади. Рақамли ва сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ҳудудлар бўйича қамров ҳолати мунтазам кузатилди, маълумотлар хариталар асосида таҳлил қилинди. Айрим ноаниқликлар тезкор бартараф этилди ва рўйхатга олиш натижаларининг манзиллар билан уйғунлиги таъминланди. Мазкур тажриба келгусида геостатистик инфратузилмани ривожлантириш учун ҳам муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Энг асосийси, рақамли технологияларни жорий этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бир марталик амалий эҳтиёж билан чекланмай, статистика тизимининг узоқ муддатли янгиланишига хизмат қиладиган барқарор йўналишга айланади.

Қисқаси, рўйхатга олиш тадбирига узоқ вақт пухта тайёргарлик кўрилгани ўзини оқлади. Тўпланган маълумотлар шунчаки рақамларни қайд этиш эмас, балки мамлакатнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама акс эттирувчи ишончли статистик маълумотлар базасини шакллантиришга хизмат қилади.

Юртдошларимиз ҳам буни англагани ҳолда рўйхатга олиш тадбирларига катта қизиқиш билдириб, фаол иштирок этди. Жараёнда жами 8,3 миллион хонадонда яшовчи аҳоли тўлиқ қамраб олинди. Қарийб 9000 га яқин маҳалладаги 55 мингдан ортиқ рўйхатга олувчи жалб қилинди. Бу кичик рақамлар эмас ва уларнинг ортида икки муҳим хулоса мужассам. Биринчиси, жамиятнинг рўйхатга олиш жараёнига ишончи ва фаол фуқаролик иштироки кучайгани бўлса, иккинчиси, мамлакатимизнинг рақамли тайёргарлиги ва технологик мослашувчан салоҳияти янги босқичга кўтарилганини тасдиқлайди.

Жараёнда халқаро тажрибани ўрганиш ва тавсияларни инобатга олиш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Рақамли платформалар, логистика, респондентлар билан мулоқот, маълумотларни қайта ишлаш ва назорат механизмларининг самарали жиҳатлари ўрганилди. БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг рўйхатга олиш тадбири юзасидан ижобий хулосалари ва тавсиялари олинди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, БМТ, Халқаро миграция ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик доирасида тайёргарлик ишлари бажарилди.

Рўйхатга олиш сифатини белгилайдиган энг асосий жиҳатлардан бири — инсон омили. Қанчалик мукаммал технология жорий этилмасин, маълумотни тўғри қабул қилиш, саволларни тушунарли етказиш, ахборот маданияти ва мулоқот этикаси биринчи ўринда туради. Шу боис, кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дастлаб ҳудудларда “маҳалла еттилиги”ни ўқитадиган мураббийлар тайёрланди. Кейинчалик улар “маҳалла еттилиги” аъзолари, штаб ходимлари ҳамда ҳудудларга бириктирилган раҳбарлар учун махсус ўқув машғулотлари ташкил этди. Умумий ҳисобда 60 мингдан ортиқ иштирокчи ўқитилди.

Қисқаси, умуммиллий рўйхатга олиш тадбири мамлакатимиз статистика соҳасидаги улкан ютуқлардан бўлди. Айни пайтда рўйхатга олиш тадбирида тўпланган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, текшириш ва таҳлил этиш ишлари изчил давом этмоқда. Уларнинг натижаси келгуси йиллардаги танланма кузатувларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, уй хўжаликлари ва бизнес кузатувларининг сифати ҳамда аниқлигини ошириш учун мустаҳкам асос бўлади. Шу билан бирга, мазкур маълумотлар ҳудудий ривожланиш, бандлик, уй-жой, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида қабул қилинадиган қарорларнинг асослилиги ва самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

**— Статистик рақамларни тўғри ва аниқ шакллантириш асосий масала, албатта. Лекин ана шу маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, одамларнинг турли йўналишлардаги рақамларни шаффоф кўриб бориши, улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ҳам бирдек долзарб. Бу борадаги кўрсаткичларимиз халқаро майдонда қандай баҳоланаётир?**

— Бугун расмий манбалар орқали ҳар куни эълон қилиб бориладиган статистик рақамларнинг аксари ҳақида бир вақтлар билиш учун ўнлаб ташкилотга мурожаат қилиш керак эди. Шунда ҳам аниқ маълумотларни олиш даргумон бўлган. Энди эса бундай маълумотлар мунтазам бериб борилаётганининг ўзиёқ очиқлик масаласидаги ижобий натижаларимизни яққол кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар бўйича халқаро Open Data Inventory рейтингида 198 мамлакат орасида 83 балл билан 12-ўринга кўтарилди ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолди. Бу ҳам юртимизда расмий статистиканинг жамоатчиликка очиқлиги, фойдаланиш қулайлиги ва маълумотларни тарқатиш сифати ошаётганидан далолат беради. Қолаверса, мазкур халқаро эътироф давлат ва жамият ўртасидаги ишончга асосланган муносабатларни мустаҳкамловчи амалий кўрсаткичдир.

Масалан, молия соҳасидаги рақамларни олайлик. Ўн йил олдин бу энг ёпиқ тизимлардан бири бўлгани ҳолда рақамлар деярли очиқланмаган. Бугун эса макроиқтисодий статистика соҳасида ҳар чорак, ойлик ҳисоботлар беріляпти. Уларнинг натижалари, кўрсаткичларга таъсир қилган омиллар таҳлил қилиняпти. Жамоатчиликнинг бу борадаги саволларига аниқ асослар билан жавоблар беріляпти. Бошқа барча соҳада ҳам худди шундай.

Статистика энди фақат тайёрланадиган маҳсулот эмас, балки кенг фойдаланиладиган, чуқур таҳлил қилинадиган ва қарорлар қабул қилишга хизмат қиладиган замонавий ресурсга айланмоқда. Айни шу эҳтиёж ва вазифалардан келиб чиқиб, юртимизда 2026-2030 йилларга мўлжалланган статистикани ривожлантириш миллий стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда институционал модернизация, статистик ишлаб чиқариш ва сифатни таъминлаш, маълумот йиғиш тизимларини янгилаш, маъмурий маълумотлар интеграцияси, рақамли трансформация, инновациялар, маълумотларни тарқатиш, фойдаланувчилар билан ишлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва халқаро ҳамкорлик каби ўзаро боғлиқ устувор йўналишлар қамраб олинган.

Айни вазифалардан келиб чиқиб, келгуси йилларга мўлжалланган ишлар белгилаб олинган. Дастлаб рўйхатга олиш натижаларини чуқур қайта ишлаш ва жамоатчиликка тақдим этиш, уй хўжаликлари кузатувларини янада такомиллаштириш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Шу билан бирга, рақамли ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш, маълумотлар базасини такомиллаштириш, статистик маълумотларни ягона мезонлар асосида тартибга солиш ва замонавий портал ечимларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги босқичларда замонавий иқтисодий кузатувларни кенг жорий этиш, бизнес ва аҳоли регистрларини мустаҳкамлаш, маълумот алмашинуви ва таҳлилнинг илғор воситаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ишлар янада жадаллашади. Бизнесни рўйхатга олиш ва танланма кузатувлар методологиясини янада такомиллаштириш ҳамда уни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича ишлар изчил бажарилади. Геоинформацион ечимлар, сунъий интеллект имкониятлари, микромаълумотларни тарқатиш тизимини жорий этиш ва самарали ташкил қилиш ҳамда бошқа замонавий рақамли ёндашувларга таянган синов лойиҳалари ҳам айни шу даврда муҳим.

Шундан сўнг бугун бошланган янгиланишлар алоҳида лойиҳа доирасидан чиқиб, статистика тизимининг кундалик ва барқарор фаолиятига сингиб бориши кўзда тутилмоқда. Натижада юртимизда статистика тизими янада такомиллашади, маълумотларни фойдаланувчиларга етказиш механизми мустаҳкамланади ва доимий ривожланишга таянган замонавий иш услуби қарор топади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Ирода ТОШМАТОВА**
**суҳбатлашди.**

Ислоҳотлар одими

# ЭЛНИНГ ЭРТАСИ МУНОСИБ ҚЎЛЛАРДА

**Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни олий таълимга қамров даражаси кескин ошди. Меҳнат бозорида талаб юқори замонавий касблар бўйича кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан пайшанба куни “Ёшлар куни” этиб белгиланиб, бу борадаги тизимли ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Ҳозир раҳбарлар ёшлар билан мулоқот қилиб, чет тили ва касб-ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларини амалга оширишга ёрдам бермоқда. Улар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.**

Навоий вилоятида ҳозир 14-30 ёшгача бўлган 268 минг 164 йигит-қиз бор. Улардан 1100 нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

— Президентимиз бу борада бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берган. Ёшларни иш билан таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш шулар жумласидан, — дейди Навоий вилояти ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Лазиз Қаюмов. — Вилоятимиздаги раҳбар ходимлар ҳар пайшанба куни ёшларнинг муаммоларини тинглаб, ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Ҳар бир йигит-қиз билан индивидуал ишлаш тизимига ўтилган. Хусусан, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини очишга жиддий эътибор берилмоқда. Масалан, 2025 йили 718 ёшга тадбиркорлик бошлаши учун 85 миллиард сўм ажратилган эди. 2026 йилнинг биринчи чорагида эса 98 йигит-қизга 10 миллиард сўм ажратилди.

Шу каби ишлар сабаб кейинги йилларда ёш тадбиркорлар сони 3 баравар ошди. Ишсиз ёшлар эса 2 баравар камайди. Бу жараёнда меҳнат ярмаркаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Навоий шаҳрида ёшлар учун ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида вилоятнинг барча туман ва шаҳридаги 215 корхона ва ташкилот 4500 дан зиёд бўш иш ўрнини тақдим этди.

— Меҳнат ярмаркасида 284 фуқаро шу куннинг ўзида ишга жойлаштирилди, — дейди вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи Лутфулло Хайруллаев. — Шунингдек, иштирокчиларнинг 56 нафари касб-ҳунарга ўқишга жалб этилди. Яна 212 юртдошимизга ўзини ўзи банд қилиши учун имтиёзли кредит ажратиш мақсадида тавсиянома берилди.

Ўзини ўзи банд қилган ёшларнинг йирик лойиҳаларини молиялаштириш учун ҳам кредит бериш тизими йўлга қўйилмоқда. Инновацион стартапларга инвестиция киритишга рухсат берилиши эса ёшларни глобал бозорга чиқишга ундайди.

— Ёшлар тадбиркорлик субъектларининг йирик лойиҳаларига яқиндан кўмак берилмоқда, — дейди “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси Навоий филиали бошлиғи Жавлон Мардиев. — Шунингдек, ёшлар бандлигини таъминлашни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратилмоқда. Масалан, шу вақтгача янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари 5 миллиард сўмгача кредит оларди. 2026 йилда ушбу маблағ 10 миллиардгача оширилди. Мазкур кредит 7 йил муддатга берилади. Жорий йилнинг биринчи чорагида 35 миллиард сўмга яқин кредит ажратилди. Натижада 600 дан зиёд янги иш ўрни очилди.

Навоий шаҳрида Ёшлар саноат маркази ташкил этилган. Бу ерда келгусида 300 та иш ўрни очиш режалаштирилган. Бунинг учун саноат зонасига 65 сотих ер ажратилган. Бу ерда ёшлар замонавий касбларга ўқитилади ва маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилади.

— Ёшларга яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, саноат зонасида тадбиркорлик фаолиятимизни бошладик, — дейди тадбиркор Гулруҳ Мардонова. — Тикувчилик, ўқув маркази ва логистика йўналишлари бўйича ишлаймиз. Бу ерда уч ой давомида тадбиркорларга ўз бизнесини эркин ривожлантириш имконияти яратиб берилган. Ёшлар саноат зонасининг муҳим, қулай жиҳати шуки, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулот шу жойнинг ўзида сотилади. Асосийси, тадбиркор қулай шароитда иш бошлаб, ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Озодбек Истамов ана шундай тадбиркор ёшлардан. У таълим ривожига қаратилган ташаббуси билан тенгдошларига намуна бўлмоқда.

— Навоий шаҳри марказидаги Фаровон маҳалласида мактабгача таълим муассасасини очдик, — дейди ёш тадбиркор. — Ушбу муассаса 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозир 30 га яқин иш ўрни очилди. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Бу ерда болалар учун инглиз ва рус тилларини ўқитиш, ментал арифметика, гимнастика, каратэ тўгараклари мавжуд. Буларнинг барчаси болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун хизмат қилади.



Ёшлар бандлиги нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан. Навоий шаҳрида янги иш бошлаган яна бир корхона фикримизни тасдиқлайди.

— Ўтган йили олий таълим муассасасини тугатиб, “Келажакка қадам” лойиҳаси асосида тадбиркорлик фаолиятимни бошладим. Бунинг учун 120 миллион сўм кредит олдим, — дейди ёш тадбиркор Нозима Султонова. — Аслида, тадбиркорлик бўйича бизнес лойиҳам анча вақтдан буён тайёр эди. Президентимизнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган ташаббуслари бу режамни амалга оширишим учун катта туртки бўлди. Ҳозир икки хил маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Биринчиси — анъанавий дамлама, иккинчиси эса фильтрли пакетдаги чойлар. Ҳар бирининг ўзига хос хусусияти бор. Асосийси, бу маҳсулотлар инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бир йил олдин иш бошлаганимда маҳсулотларимиз оддий қадоқда чиқарилар, ҳозиргидек дизайн йўқ эди. Кейинчалик бу соҳани чуқурроқ ўрганиш учун кўплаб йўналишларда билим олдим. Келгусида маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш ва миллий бренд сифатида танитишни мақсад қилганман.

Хатирчи туманида ҳам бу борада тизимли ишлар қилинмоқда. Раҳбар ходимлар ёшлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, масалаларга ечим беряпти. Албатта, жараёнда тадбиркорликка ҳавасманд, бу борада қобилиятга эга кўплаб йигит-қизлар кашф этилмоқда. Хатирчи ўзига хос иқлимга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга қулай ҳудуд. Кўксарой маҳалласи лалми ердан иборат кенгликда жойлашган. Бу майдондан унумли фойдаланиши учун ёшларга деҳқончилик ва боғдорчилик сирлари ўргатиляпти.

— Бугун маҳалламизда 700 дан ортиқ ёш истиқомат қилмоқда, — дейди Кўксарой маҳалласидаги ёшлар етакчиси Ихтиёр Раҳматуллаев. — Уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка йўналтириш мақсадида 50 гектар боғ ташкил этилмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ёшларга 1 гектардан ер ажратиб берилмоқда. Ҳозир улар ерга кўчат ўтқазиб, боғдорчилик билан шуғулланмоқда. Ҳудуд ихтисослашувидан келиб чиқиб, ёшларни боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик каби соҳаларга кенг жалб этмоқдамиз.

— Дастлаб кичик иссиқхона қуриб, иш бошлагандим, — дейди Жалолиддин Эгамбердиев. — Даромад эвазига иссиқхонамизни янада кенгайтириб, 13 сотихга етказдик. Аввал йилда бир марта ҳосил олар эдик. Кейинчалик имтиёзлардан фойдаланиб, 100 миллион сўм кредит олдик ва иссиқхонага замонавий иситиш тизимини ўрнатдик. Натижада йилига икки марта ҳосил ола бошладик. Бу янада кўп даромад келтирмоқда. Ҳозир помидор, қалампир, бодринг каби экинларни тажриба тариқасида экиб, парваришлаяпмиз. Келгусида иссиқхонада қўшимча тизимлар ўрнатиб, осма усулда қулупнай етиштиришни йўлга қўймоқчимиз.

Бугун юртимизда миллий ғурури баланд, ўз олдига Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, юрт равнақига ҳисса қўшишдай улуғвор мақсадлар қўйган ёшлар кўп. Бу мамлакат келажаги, элнинг эртанги куни ишончли қўлларда эканидан далолат.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ҳар йили 500 нафаргача иқтидорли чет эллик учун мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стипендияси” дастурининг йўлга қўйилиши ўзбек таълимининг халқаро брендини яратишдаги дадил қадамдир.**

Нуқтаи назар

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ВА ГЛОБАЛ ИНТЕГРАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**академик**

**Ёшларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, улардаги ихтирочилик ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш жараёни энди молиявий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тизимли кафолатланмоқда. Ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш офисининг очилиши дастлабки ғоядан тортиб, уни ҳаётга татбиқ этишгача бўлган мураккаб йўлда ёш олимлар учун асосий суянчиқ вазифасини ўтайди.**





Бошланиши 1-бетда

Фармоннинг ўзагини ташкил этувчи “5 Т” тамойили — таълим, тарбия, тадқиқот, тижорийлаштириш ва тизимли такомиллаштириш ғояси олий таълим муассасаларини халқаро миқёсда рақобатбардош марказларга айлантиришнинг энг мукаммал механизмидир. Илм-фан даргоҳлари энди фақат назарий билим берувчи маскан бўлиб қолмай, иқтидорли ёшлар учун чинакам илмий-интеллектуал ўчоқ вазифасини ҳам бажариши шарт. Авваллари илм-фан, таълим ва ижтимоий амалиёт бир-биридан узилган, алоҳида ороллар каби фаолият юритган бўлса, янги тамойил уларни ягона, узвий ва ҳаётий занжир атрофида бирлаштиради. Таълим бериш жараёни юксак ахлоқий тарбия билан уйғунлашгандагина чин ватанпарвар ва фидойи кадрлар етишиб чиқади. Ўз навбатида, замонавий тадқиқотлар фақат кутубхона пештахталарида чанг босиб ётмай, реал иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб бериши ва амалиётга жорий этилиши, яъни тижорийлаштирилиши аллақачон ҳаётий заруратга айланиб улгурган. Тизимли такомиллаштириш эса барча жараённинг доимий равишда замон билан ҳамнафас янгиланиб боришини таъминловчи ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучдир. Бундай комплекс ёндашув мамлакатимиз олий таълим тизими томирларига янгича қон югуртириб, унинг халқаро рейтинглардаги муносиб ўрнини таъминлашга қаратилган.

Ҳужжатдаги энг диққатга сазовор йўналишлардан яна бири “U 10 — Ўзбекистоннинг глобал илғор университетлари” дастурининг жорий этилишидир. Унга кўра, ўзининг юқори салоҳиятини намоён қила олган ўнта олий таълим ташкилотига миллий тадқиқот университети мақомини бериш режалаштирилган. Ушбу жараён ўз-ўзидан, сунъий равишда амалга оширилмайди, аксинча, рақобатбардошлик ва шаффофлик принципларига таянган ҳолда, илмий кластер ташкил этиш лойиҳаси доирасида ўтказиладиган танловлар орқали рўёбга чиқади. Илмий кластер лойиҳасининг архитектураси ноёб хусусиятга эга бўлиб, маҳаллий олийгоҳ, нуфузли хорижий университет, илмий ташкилот ҳамда соҳа корхоналарини ягона мақсад йўлида бирлаштирувчи яхлит ва қудратли тизимни ифодалайди. Давлат томонидан илм-фанни қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур илмий кластерларни молиялаштириш учун 150 миллиард сўмгача маблағ ажратилиши миллий тадқиқотларимиз халқаро бозорга чиқиши учун беқиёс имконият эшикларини очади. Ғолибларни аниқлашда халқаро миқёсда тан олинган рейтингларда дастлабки 300 талик рўйхатга кирган хорижий таълим муассасаларининг иштирок этиши экспертиза жараёни ниҳоятда адолатли, холис ва жаҳон стандартларига тўла мос келишини кафолатлайди. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, инфратузилма ҳолати ва лойиҳани ҳамкорликда молиялаштиришдаги иштирокчи ташкилотларнинг улуши каби қатъий мезонлар асосидаги баҳолаш тизими мамлакатимизда фундаментал илм-фанга қаратилган муносабатнинг инъикосидир.

Олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва сифат кўрсаткичларини тубдан ошириш мақсадида 2027 йил 1 январдан эътиборан жорий этиладиган натижага йўналтирилган молиялаштириш тизими ислоҳотлар самараси бўлади. Энди муассасалар давлат бюджетидан шунчаки анъанавий тарзда молиялаштирилмайди, балки олий таълим ташкилотлари миллий рейтингидаги ўрни ҳамда кўрсатган аниқ натижаларига кўра моддий рағбатлантирилади. Талабалар қамрови, академик, илмий ва халқаро фаолият, рақамлаштириш даражаси ҳамда битирувчиларнинг иш билан таъминланиши каби муҳим индикаторлар асосида тоифаларга ажратилган ҳолда юритилувчи мазкур рейтинг олийгоҳлар ўртасидаги сифат учун курашни бутунлай янги босқичга олиб чиқади. Ўз тоифасида энг юқори натижани қайд этиб, биринчи даражага кўтарилган кучли 20 фоиз олий таълим муассасаларининг харажати 20 фоизгача қўшимча устама билан қопланиши раҳбарлар ҳамда профессор-ўқитувчиларни узлуксиз ўз устида ишлаш, таълим дастурларини замон талаблари руҳида модернизация қилишга ундайди. Шунингдек, талабаларни ўқитиш харажати миқдорини шакллантиришда таълим йўналишининг мураккаблиги, ҳудудий жойлашув ва миллий рейтингдаги ўрни каби ўзига хос омилларнинг инобатга олиниши маблағларнинг оқилона ҳамда манзилли йўналтирилишига хизмат қилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида Олий таълимни ривожлантириш ва глобал ҳамкорлик маркази ташкил этилиши мазкур жараённинг институционал жиҳатдан мустаҳкамланишини таъминлайди. Айниқса, ҳар йили 500 нафаргача иқтидорли чет эллик учун мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стипендияси” дастурининг йўлга қўйилиши ўзбек таълимининг халқаро брендини яратишдаги дадил қадамдир. Ёш, иқтидорли ва илмга чанқоқ хорижлик ёшларнинг юртимиздаги олийгоҳларда таҳсил олиши келажакда халқаро майдонда Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилувчи, тилимиз ва маданиятимизга ҳурмат билан қаровчи йирик интеллектуал элитани шакллантиришга мустаҳкам замин яратади. Бундан ташқари, хорижлик талабаларни қабул қилиш механизмларини соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилаётган “Study in Uzbekistan” махсус электрон платформаси мамлакатимиз таълим хизматлари бозорининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини бир неча бор оширади.

Инновациялар ва рақамли технологиялар асрида бошқарув самарадорлигини ошириш масаласи ҳам ҳукуматимизнинг доимий эътибори марказида. Соҳани тўлиқ рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект элементларини жорий этиш мақсадида Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш марказининг ташкил этилиши давр талабига тўла жавоб беради. “Data Hub” технологияси асосида барча ахборот тизимларининг ягона рақамли экотизимга интеграция қилиниши таълим жараёнларини бошқаришда очиқлик, шаффофлик ҳамда тезкорликни кафолатлайди. Талабанинг ўзлаштириши, ижтимоий ҳолати ва интизомини ўзида мужассам этган “Талабанинг рақамли паспорти” амалиётга татбиқ қилиниши ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, таҳлилий ёндашувни юзага келтиради. Шунингдек, бўлажак мутахассислар бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз қобилиятини меҳнат бозорида тўғри сармоя қилишига кўмаклашиш мақсадида “Карьера” электрон платформасининг ишга туширилиши ҳамда “Битирувчи сифати индекси”нинг ишлаб чиқилиши таълим ва иқтисодиёт ўртасидаги кўприкни янада мустаҳкамлайди. Бу орқали ҳар бир университет ўз талабасининг кейинги тақдири, жамиятдаги ўрни ва касбий юксалиши учун реал масъулиятни ҳис қила бошлайди.

Ёшларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, улардаги ихтирочилик ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш жараёни энди молиявий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тизимли кафолатланмоқда. Ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш офисининг очилиши дастлабки ғоядан тортиб, уни ҳаётга татбиқ этишгача бўлган мураккаб йўлда ёш олимлар учун асосий суянчиқ вазифасини ўтайди. Инновацион фаолиятда стартап лойиҳаларни инкубация ва акселерация дастурларидан ўтказиш мажбуриятининг киритилиши давлат маблағлари мақсадли ва юқори самарадорлик билан сарфланишини таъминлайди. Олий таълим муассасаларига молиявий ва ташкилий мустақиллик доирасида эндаумент жамғармаларини ташкил этиш, венчур фондлар тузиш, инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш ва ҳатто бўш маблағларни молиявий инструментларга йўналтириш каби илғор ҳуқуқларнинг тақдим этилиши миллий таълим тизимимизда илгари кузатилмаган катта иқтисодий ислоҳотдир.

Таълимнинг сифати унинг маънавият ва миллий ўзликни англаш туйғулари билан қанчалик суғорилгани орқали баҳоланади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида китобхонликка меҳр уйғотиш ҳамда санъат ва маданиятга ошно қилиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган “Маърифат улашиб” лойиҳаси ҳақиқий маънавий хазинадир. Интеллектуал бой ва тафаккури теран ёшларгина Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлишини инобатга олсак, олийгоҳларда таълим ва тарбия жараёнларининг ўзаро уйғун бориши мамлакатимиз хавфсизлиги ва истиқболининг кафолатидир.

Президентимиз фармони миллий илм-фан ва таълим соҳасининг ёрқин келажагини белгилаб берувчи муҳим харита вазифасини бажаради. Юксак савиядаги мутахассисларни тайёрлаш, олийгоҳлар ўртасида адолатли рақобатни шакллантириш, илм-фанни амалиётга, яъни тижоратга боғлаш ҳамда таълим соҳасидаги рақамли технологияларни ривожлантириш орқали мамлакатимиз яқин йилларда ўзининг мустаҳкам ва дахлсиз интеллектуал қудратини тўла намоён этади. Зиёлилар, олимлар ва кенг академик жамоатчилик зиммасига тушадиган масъулият энди ушбу беқиёс шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини интеллектуал салоҳият орқали мустаҳкамлашдан иборат. Истиқбол сари қўйилган бундай улуғвор қадамлар халқимиз тафаккурини юксалтириб, порлоқ ва обод келажагимизнинг ажралмас қисмига айланиб боради.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



> **Таълимнинг сифати унинг маънавият ва миллий ўзликни англаш туйғулари билан қанчалик суғорилгани орқали баҳоланади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида китобхонликка меҳр уйғотиш ҳамда санъат ва маданиятга ошно қилиш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган “Маърифат улашиб” лойиҳаси ҳақиқий маънавий хазинадир.**



Мулоҳаза

# ИРОДА ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ҲАР ҚАДАМДА НАМОЁН БЎЛАДИ

**Бугун дунёда кучли бўлиш танлов эмас, заруратга айланди. Куч эса, аввало, соғлом, иродали ва мақсадга интилувчан жамиятда намоён бўлади. Бунда спортнинг ўрни беқиёс. У миллат нуфузи, давлат салоҳияти ва ғалабага интилишнинг ёрқин ифодасидир.**



Юртимизда ушбу йўналишда қилинган ишлар бугун самара бермоқда. Ёшлар орасида спортга қизиқиш ортиб, соғлом турмуш тарзи кенг қарор топмоқда. Натижада ёш авлод жисмонан, маънан баркамол бўлиб вояга етмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юзлаб медални қўлга киритиб, қатор жаҳон ва Осиё рекордларини янгилашга эришди. Ушбу ютуқлар ортида изчил сиёсат, мустаҳкам инфратузилма ва минглаб инсоннинг фидокорона меҳнати турибди.

## Спортга янги ёндашув

Шу йил 7 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида спорт соҳасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишда белгиланган вазифалар соҳадаги устувор йўналишларни қайта белгилашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Асосий мақсад — аҳолини оммавий спортга кенг жалб қилиш ва шу орқали жамият саломатлигини мустаҳкамлаш. Бироқ энг муҳим янгилик ёндашувда намоён бўлмоқда. Энди оммавий спорт самараси қамров билан чекланиб қолмай, инсонлар саломатлигидаги ўзгаришлар орқали баҳоланади.

Олдинлари асосий эътибор қанча одам спортга жалб қилинганига қаратилар эди. Янги тизимда савол бошқача қўйилмоқда: иштирокчилар сони эмас, уларнинг саломатлигида қандай ижобий ўзгариш кузатиляпти? Демак, рақамлар ортидан қувиш эмас, амалий натижа устувор аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, ҳар бир туманда “саломатлик баланси”ни шакллантириш режалаштирилгани ушбу ёндашувнинг амалий ифодасидир. Тизим орқали аҳолининг жисмоний фаоллиги ва саломатлик кўрсаткичи ўзаро таҳлил қилинади. Масалан, спорт билан шуғулланувчилар сони ортиши билан бирга касалликлар камайса, демак, танланган услуб самара бермоқда. Акс ҳолда, иш усулларини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилади.

“Соғлом ҳаёт волонтёрлари” корпусини ташкил этиш ташаббуси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур қадам соғлом турмуш тарзини расмий тарғибот даражасида қолдирмай, жамиятнинг кундалик одатига айлантиришга хизмат қилади. Чунки одамлар орасида шаклланган одат ҳар қандай даъватдан кўра таъсирли бўлади.

Маҳаллалар ўртасида рағбат муҳитини кучайтириш орқали оммавий спортга янги мазмун берилади. Энг яхши натижага эришган ҳудудлар қўллаб-қувватланади, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади. Рақобат муҳити эса одамларнинг фаоллигини ошириб, спортни кундалик ҳаёт тарзига айлантиришга хизмат қилади.



Энг муҳим жиҳат, натижага қараб баҳо бериш тизимининг жорий этилаётганидир. Аҳоли саломатлиги яхшиланса, кундалик фаоллик ошса, касалликлар камайса, қилинаётган ишлар самарадорлиги шунда намоён бўлади.

Мураббийларга белгиланган юқори устама ҳам соҳадаги ўзгаришларнинг муҳим қисмидир. Энди мутахассислар фақат машқ ўтказувчи эмас, балки аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи муҳим кадр сифатида қаралмоқда. Бундай ёндашув касб нуфузини ошириб, соҳага малакали кадрларни жалб этишга хизмат қилади.

Гап жамиятдаги устувор қадриятлар ўзгараётгани ҳақида бормоқда. Инсон саломатлиги марказга чиқмоқда. Спорт шу мақсадга эришишнинг самарали воситасига айланмоқда. Агар мазкур ёндашув изчил амалга оширилса, келгусида соғлом авлод шаклланиши баробарида жамиятнинг умумий яшаш сифати сезиларли даражада яхшиланиши мумкин.

## Билимнинг қиймати — ижтимоий самарада

Спорт соҳасидаги илмий ишлар энди фақат назарий тадқиқот билан чекланмайди. Уларнинг асосий вазифаси долзарб муаммоларга ечим топиш ва натижаларини тўғридан тўғри амалиётда қўллашга қаратилган. Олимларнинг изланиши самара берса, спортчиларнинг ютуқлари ва халқаро мусобақалардаги медали кўпайса, бундай тадқиқотчилар 100 миллион сўмлик мукофот билан рағбатлантирилади.

Мазкур тизим илмнинг моҳиятига қарашни тубдан ўзгартираётир. Илгари кўп ҳолларда бу соҳада илмий фаолият назарий изланишлар билан чекланса, энди у ҳаётий натижа билан баҳоланадиган тизимга айланмоқда. Илм “билиш” воситасидан “ўзгартириш” воситасига айланмоқда — у ҳаётдаги воқеа ва натижа билан кўриниши керак.

Асосий урғу долзарб муаммоларга қаратилган. Спорт соҳасида бу тайёргарлик методикаси, тикланиш жараёни, психология ва юкламани бошқариш масалаларини илмий асосда ҳал этишдир.

Олимларнинг меҳнати спортчилар натижаси билан баҳоланиши чуқур маънога эга. Энди билимнинг қиймати унинг ижтимоий самараси орқали ўлчанади. Ғоя қоғозда қолмай, спортчининг ютуғи, медали ва рекордида намоён бўлиши шарт. 100 миллион сўмлик мукофот эса натижа берадиган илмни эътироф этади. Олимнинг жамиятдаги мақоми қайта баҳоланади: у фақат тадқиқотчи эмас, натижа яратувчи ва тараққиётга ҳисса қўшувчига айланади. Бу ёндашув илм олдига катта масъулият ҳам қўяди. Самарадорлик ҳимоя қилинган диссертация ёки чоп этилган мақола билан эмас, спортчиларнинг ютуқлари билан белгиланади.

Янги тизим илм ва амалиёт ўртасидаги узилишни бартараф этиб, билим — қиймат, натижа — мезон, амалиёт эса ҳақиқат сифатида намоён бўлади. Бу спортни нафақат жисмоний, балки интеллектуал ва илмий тараққиёт майдонига айлантириш имконини беради.

## Параспортчиларни қўллаб-қувватловчилар эътиборда

Бугун параспортчиларимизнинг ютуғи кўпчиликни ҳайратга солаётгани айни ҳақиқат. Улар эришаётган ютуқлар замирида шахсий ирода ва матонат билан бирга уларнинг ортида туриб, ҳар қадамда ёрдам бериб, қўллаб-қувватлайдиган инсонлар ҳам бор. Энди ана шу “кўринмас қаҳрамонлар”нинг фидойилиги тан олинади.

Йиғилишда Президентимиз параспортчилар эришган ютуқлар ортида уларга туну кун ҳамроҳлик қилаётганларнинг ҳиссаси улкан эканини алоҳида таъкидлади. Ўқув-йиғинлар, республика ва халқаро мусобақаларда параспортчиларга ҳамроҳлик қилган шахсларнинг транспорт ва яшаш харажати тўлиқ қопланади. Шунингдек, уларга спорт мактаби мураббийлари ойлигига тенг миқдорда маош берилади. Бу натижанинг ортида турган кўринмас меҳнатни қадрлаш ва эътироф этишдир.

Спортдаги ютуқларга ягона шахс маҳсули деб эмас, балки муносабатлар ва ҳамкорлик тизими натижаси сифатида қаралади. Инсоннинг муваффақияти атрофидаги ижтимоий муҳит билан ўлчанади. Бу эса индивидуалликдан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тамойилига ўтиш зарураттини кўрсатади.

Ҳамроҳ шахсларнинг меҳнати ва масъулияти энди тўлақонли касбий институт сифатида тан олинади. Улар фаолиятни ички интизом, аниқ мақом ва масъулият билан амалга оширади. Бу жамиятнинг барқарор ривожланиши учун зарур тизим элементига айланади. Зеро, ҳар бир ҳамроҳлик қилувчи фидойи инсон параспортчиларнинг иродасини қўллаб-қувватлайди ва ғалабанинг руҳий пойдеворини ташкил этади. Моддий рағбат орқали маънавий қадрият мустаҳкамланади, инсонлараро ҳамжиҳатлик ва бирдамлик кучи жамиятни бойитади.

Жисмоний имкониятидан қатъи назар, ҳар бир инсон тўлиқ қўллаб-қувватловга эга бўлиши керак. Бу адолат, тенглик ва бирдамликни мустаҳкамлайдиган муҳим мезондир.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Чингизхондай қудратли кучга қарши тура олган, мардонавор курашган Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонлигидан фахрланамиз. Буюк саркарда номи билан аталган ушбу поезд мамлакатимизга етказиб берилиши режалаштирилган олтита “Hyundai Rotem” поездларидан биринчиси.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news




Очерк

# “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ”: ТАРИХИЙ ШОН-ШАВКАТ, ЖАСОРАТДАН ЯРАЛГАН БУГУНГИ ЎЗГАРИШЛАР ТИМСОЛИ

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятидан қўнғироқ бўлди. Тошкент марказий темир йўл вокзалида янги “Жалолиддин Мангуберди” тезюрар поезди қатновга қўйилиши муносабати билан ташкил этиладиган тадбирга ҳамда ушбу поездда Хивага бориб келишга таклиф қилиндим.**

Президентимиз жорий йил март ойида Самарқанд вилоятига ташрифи давомида жамоатчилик вакиллари билан Нарпай туманига айнан ушбу поездда борган ва давлатимиз раҳбарига унинг имкониятлари шу тарзда тақдим қилинган эди.

Бугун юртимизда бўлаётган ўзгаришлар кўлами кенг. Халқимиз ҳаётини фаровон этишга қаратилган лойиҳалар кўп. Шунга яраша қулайликлар ҳам кам эмас. Тошкентдан Хивага тезюрар электропоезднинг қатновга қўйилиши ҳам шундай саъй-ҳаракатлар самараси.

...Эрталаб соат 6:30. Тошкент марказий темир йўл вокзалидамиз. Вокзални инсон ҳаётининг муҳим нуқталаридан бирига, айтайлик, умр чорраҳасига ўхшатиш мумкинми? Менимча, мумкин. Чунки инсон ҳам ҳаётда йўловчи. Умри давомида айнан йўловчи сифатида у ёқдан-бу ёққа югуради, елади. Ҳаётнинг ширин ва аччиқ ташвишларини бошдан кечиради. Баъзан иш ва саёҳат баҳонасида йўлга отланади. Йўлда турли одамлар билан учрашади, мулоқот қилади. Шу боис, вокзаллар доим гавжум.

Тошкент марказий темир йўл вокзали ҳам шундай. Доим йўловчилар билан тўла. Кимдир у, кимдир бу манзилга шошади. Вокзалларимиз гавжумлигининг сабабларидан яна бири мамлакатимиз темир йўл тизимида йўловчиларга яратилаётган қулайликлар, айниқса, ҳудудларни боғловчи “Жалолиддин Мангуберди”дек тезюрар поездларнинг халқ хизматига қўйилиши бўлмоқда. Буни Тошкент ва Хивани боғловчи мазкур поезднинг илк қатнови муносабати билан ташкил этилган тадбир иштирокчилари ҳам кўп таъкидлади.

Темир йўл тизимидаги йирик лойиҳалар тақдимотида кўп иштирок этганман. Уларнинг деярли барчаси тантанали тус олади. Нега? Ушбу саволга жавоб топиш учун яқин ўтмишга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ахир поездга чипта тополмай, вагон йўлакларида йўлхалта устида навбат билан дам олиб ёки тик туриб манзилга етиб олганлар кам эмас орамизда. Транспорт тизимидаги оқсоқликлар туфайли пойтахтни қўя турайлик, вилоят ёки туман марказига бориш учун бир кун йўлда юрилгани ҳам одамлар эсидан чиққани йўқ. Шундай шароитда бутун мамлакат транспорт тизимига қаратилган эътибор, хусусан, янги темир йўллар қурилиши, электрлаштирилиши натижасида бугун манзилимизга аввалгидан тез ва қулай шароитда етиб оляпмиз. Танлов имкониятимиз кенгайяпти. Қисқаси, мамлакатимиз тараққиёти бугунги ўзгаришларда, одамлар ҳаёти ва турмушида бўй кўрсатмоқда. Шундай экан, тизимдаги каттаю кичик лойиҳани ҳар қанча хурсандчилик билан қаршилсак арзийди.

Агар бундан ўн-ўн беш йил аввал, дейлик, Урганч ёки Хивага тезюрар поезд келади десангиз, сизни камида хаёлпарастга чиқаришлари мумкин эди. Аммо бугун ҳақиқат шуки, ана шу тасаввур рўёбга чиқмоқда. Орзулар ушалмоқда. Ўзгаришлар ҳамманинг кўз ўнгида содир бўлмоқда.

Шу ўринда темир йўл соҳасига оид баъзи рақам ва далилларга тўхталиб ўтсак. Тизимдаги ислоҳотлар эпкинини, айниқса, кейинги йилларда сеза бошладик. Буни янада теран англаш учун давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш жоиз. Чунки ушбу қарор асосида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида кенг кўламли трансформация ишлари бажарилмоқда. Янги темир йўл лойиҳалари амалга оширилди. “Самарқанд — Ургут”, “Байтқўрғон — Паркент”, “Навоий — Бухоро” йўналишларида электрлаштирилган участка йўллари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, соҳада йўловчи ташишни янада ривожлантириш, аҳолига ҳар томонлама қулай қатнов шароити яратиш мақсадида тизимга замонавий технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хорижий давлатлардан замонавий электровоз ва тепловозлар харид қилиниб, йўловчи вагони парки йилдан йилга янгиланмоқда. “Жалолиддин Мангуберди” электропоезди бунинг яққол мисоли.



> **Соат 7:00. “Жалолиддин Мангуберди” поезди буюк саркарда юрти — Хоразм сари йўл олди. Биз жойлашган вагонда, умуман, бутун поездда ҳамманинг кайфияти аъло. Барча янги лойиҳа, янги поезд билан бир-бирини табриклайди. Камига хоразмлик санъаткорлар куй-қўшиқлар билан кўнгилларни кўтаради.**

2026-2030 йилларда “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган 200 та янги, замонавий йўловчи вагонини сотиб олиш режалаштирилган. Унга кўра, ҳар йили 40 та вагон етказиб бериш кўзда тутилган.

Йўловчилар чиптани онлайн харид қилиши мумкин. Қолаверса, қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида барча вокзал ҳудудларига босқичма-босқич инфокиосклар ўрнатилмоқда. Натижада замон талабларидан келиб чиқиб, йўловчиларга рақамлаштириш тизими орқали хизмат кўрсатишдан ташқари, навбатлар қисқариб, вақт тежалади. Бу тизим йўловчилар гавжум пайтларда — байрамлар, таътиллар ёки иш вақтидан кейин жуда самарали. Хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошади.

Соат 7:00. “Жалолиддин Мангуберди” поезди буюк саркарда юрти — Хоразм сари йўл олди. Биз жойлашган вагонда, умуман, бутун поездда ҳамманинг кайфияти аъло. Барча янги лойиҳа, янги поезд билан бирбирини табриклайди. Камига хоразмлик санъаткорлар куй-қўшиқлар билан кўнгилларни кўтаради.

Транспорт қанчалик тез ҳаракатланмасин, йўл танобини суҳбат тортади. Шу боис, ёнимдаги йўловчи — узоқ йиллар темир йўл тизимида меҳнат қилган Ҳасан Маҳмудовни гурунгга чорлайман.

— Бугун юртимиз учун яхши кун, — дейди суҳбатдошим. — Нимага темирйўлчилар учун демаяпман, биласизми? Сабаби, лойиҳа тизимники бўлиши мумкин, лекин поезд — халқники. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг ортида катта меҳнат турибди. Давлатимиз раҳбарининг халқни ўйлаб юритаётган сиёсати маҳсули бу.

“Ишни шиддат билан бошласанг, енгил кўчади” деган гапни ёшлигимда жуда кўп айтишган. Шунинг учун ҳеч эсимдан чиқмайди. Темир йўл тизимидаги ишларга ҳам шундай баҳо бераман: шиддатли. Бундан эса барчамиз баҳраманд бўляпмиз.

— Ҳозирги шароит билан сиз меҳнат қилган даврлардаги фарқни нималарда кўрасиз? — деб сўрайман суҳбатдошимдан.

— Битта фарқини айтаман. Илгари ишимиз Хоразмда дейилса, юрак безилларди. Чунки, биринчидан, масофа узоқ. Иккинчидан, йўллар электрлаштирилмаган, поездларда шароит деярли йўқ эди. Бир сафар чўлда тепловозимиз бузилиб қолган. Чўлда саратоннинг иссиғини тасаввур қилаверинг. Шундай шароитда уч соат қолиб кетганмиз. Энди бугунги поездларга қаранг: одамлар учун қулай қилиб ишлаб чиқарилган. Буларни кўриб биз — кексалар, албатта, дуо қиламиз.

— Хивагача борасизми? — деб сўрайман тағин.

— Йўқ, Самарқандгача бораман. Биз, бир гуруҳ нуронийлар Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиш учун йўлга чиқдик. Фарзандларим, невараларим айтди: аждодимиз мажмуаси жуда муҳташам бўлибди. Шундай зиёратгоҳларга замонавий поездларда боришга нима етсин!

Ислоҳотлар шиддатига мос ҳаракатлар, аввало, одамларга қулайлик яратиши билан аҳамиятли. Юртимиз темир йўл транспорти тарихида муваффақиятли лойиҳалардан бири сифатида эътироф этилаётган мазкур лойиҳа юртимизнинг тарихий шаҳарларини бир-бири билан боғлайди. Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарларга йўловчи тушириб, йўловчи олади. Бу нафақат маҳаллий аҳоли, балки юртимизга келаётган сайёҳлар учун ҳам айни муддао. Ким билан гаплашманг, фикр сўраманг, шу гапларни айтади. Юртимиздаги ўзгаришларни мамнуният билан таъкидлайди.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-февраль ойларида 156 мамлакатдан 1 миллион 776 минг 336 чет эллик саёҳат мақсадида мамлакатимизга келган ва бу кўрсаткич ортиб бораётир.

Энди поезд имконияти ва қулайликлари ҳақида. Ҳозир поездларимиз Тошкентдан Хивагача бўлган масофани 14 соатда босиб ўтади. “Жалолиддин Мангуберди” эса мазкур масофа вақтини икки баробар қисқартиради. Яъни у 1022 километрли масофани 7,5 соатда босиб ўтади.

Соатига 250 километр тезликда ҳаракатлана оладиган замонавий поезд Ўзбекистон шароитига мослаштирилган. Яъни 50 даража иссиқ ҳамда 40 даража совуқда ҳам ишончли ҳаракатланади. Вагонларга чанг кирмайди, юқори ва паст ҳароратларга, қум бўронларига чидамли тизимлар билан жиҳозланган. Узоқ масофаларга саёҳат қилиш учун мўлжалланган. Йўловчи ўриндиқларни хоҳишига қараб, икки йўналиш бўйича буриши мумкин. Вагонларда кузатув камералари мавжуд. Махсус экранларда ҳаракат харитаси ва тезлик кўрсатиб борилади. Поезд таркиби узунлиги 175 метр, 7 та вагондан иборат, ўриндиқлар сони 389 та.

Янги авлод поездининг юртимизга олиб келиниши соҳадаги ислоҳотлар ифодаси бўлиб, аҳолига қулайлик яратиш баробарида туризм имкониятларини оширади.

Ушбу поездларни йўлга қўйиш учун темирйўлчилар 450 километрли “Бухоро — Урганч — Хива” участкасини тўлиқ электрлаштирди. Шунингдек, “Навоий — Бухоро” участкасида юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларга мослаштирилган 92,12 километрли иккинчи темир йўл қурилиши лойиҳаси якунига етказилди. Натижада поездлар соатига 250 километргача тезликда ҳаракатланиш имконига эга бўлади.

Поезд манзил сари илдамлайди. Деразадан далалар, тоғлар, боғлар, қишлоғу шаҳарлар манзараси бир-бир ўтади. Манзара хаёлларни узоқларга олиб кетади. Шу аснода маълумотларни ҳам таҳлил қиламан. Хаёлимда поезд тезлигини бугун мамлакатимиз темир йўл тизимида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар, ўзгаришларга қиёслайман. Бинобарин, тизимдаги ишлар шиддатли. “Жалолиддин Мангуберди” поезди манзили аниқ бўлганидек, улар ҳам мақсадли лойиҳаларга асосланган.

Халқимизда “От — йигитнинг йўлдоши” деган гап бор. Менимча, бу бежиз айтилмаган. Садоқатли тулпори бўлмаганида, эҳтимол, Жалолиддин Мангуберди Чингизхон қўлига асир тушмаслик учун дарёга сакрамаслиги, жангу жадалларда ғалаба қозонмаслиги мумкин эди. Назаримизда, ушбу поездга “Жалолиддин Мангуберди” номи берилишида ҳам ўзига хос маъно бор. Биринчиси, поезднинг миллий қаҳрамонимиз улғайган юрт — Хоразмга қатнаши бўлса, иккинчиси — у қулай ва хавфсиз.

Поезд тезлиги Бухоро чўлларида янада ошади: энг юқори нуқтага — соатига 250 километрга етади. Манзил сари яқинлашяпмиз. Ниҳоят, муайян вақт ўтиб, аввал Урганчга, кейин белгиланган вақт — соат 14:30 да Хивага етиб бордик.

Чингизхондай қудратли кучга қарши тура олган, мардонавор курашган Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонлигидан фахрланамиз. Буюк саркарда номи билан аталган ушбу поезд мамлакатимизга етказиб берилиши режалаштирилган олтита “Hyundai Rotem” поездларидан биринчиси. Поезд таркибининг Ўзбекистон байроғини эслатувчи мовий, яшил ва қизил рангли чизиқлар билан бойитилгани кишида фахр уйғотади. Поезд ва йўловчилар тантанали кутиб олинди. Хива вокзали байрамона тус олди. Куй-қўшиқлар янгради.

“Жалолиддин Мангуберди” поезди “Тошкент — Хива — Тошкент” йўналишида пойтахтимиздан эрталаб 07:00 да жўнаб кетади. Хивага етиб бориш вақти соат 14:31. Хивадан эса эрталаб 07:20 юриб, Тошкентга соат 14:51 да етиб келади. Қатнов кунлари Тошкентдан сешанба, пайшанба, шанба кунларига, Хивадан чоршанба, жума, якшанба кунларига тўғри келади.

Бу ҳаммаси эмас. Айни пайтда темирйўлчиларимиз 196,2 километрли “Мискин — Нукус” участкасида электрлаштириш ишларини бажаряпти. У муваффақиятли якунлангач, келгуси йилдан “Тошкент — Нукус — Тошкент” йўналишида ҳам “Hyundai Rotem” компанияси поездлари ҳаракатлана бошлайди. Демак, олдинда туҳфалар бисёр.



**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KOДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.
30570 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Топширилди — 03:50